




USAID
AMERIKA XALQIDAN



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ



COVID-19НИНГ ЭПИДЕМИОЛОГИК НАЗОРАТИ, БОШҚАРИШ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИ СТРАТЕГИЯСИ КОНЦЕПЦИЯСИ

ҚИСҚА ВЕРСИЯСИ

«COVID-19 GA ҚАРШИ МАҲАЛЛИЙ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИ БАРҚАРОРЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШ» ЎЗБЕКИСТОНДАГИ USAID ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДА ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН




Утверждаю
Главный Государственный
санитарный врач республики
Б.К. Юсупалиев
«19.07.2021» 2021г.

«COVID-19 га қарши маҳаллий соғлиқни сақлаш тизими
барқарорлигини таъминлаш" Ўзбекистондаги
USAID лойиҳаси

**COVID-19НИНГ ЭПИДЕМИОЛОГИК НАЗОРАТИ,
БОШҚАРИШ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИ
СТРАТЕГИЯСИ КОНЦЕПЦИЯСИ**

2021 й, июл

3.0 версияси



МИННАТДОРЧИЛИК

«COVID-19нинг эпидемиологик назорати, бошқариш ва профилактикаси стратегияси» USAIDнинг «COVID-19га қарши маҳаллий соғлиқни сақлаш тизими барқарорлигини таъминлаш» (COVID-19 МССТБТ) Ўзбекистондаги лойиҳасини амалга ошириш доирасида тайёрланган.

Байызбекова Дж.А. COVID-19 МССТБТ лойиҳасининг минтақавий маслаҳатчиси, т.ф.д., профессор;

Маматова Р.Н. COVID-19 МССТБТ лойиҳасининг миллий маслаҳатчиси;

Муратова Н.Б. COVID-19 МССТБТ лойиҳасининг давлатдаги директори, т.ф.н.

COVID-19 МССТБТ лойиҳаси маслаҳатчилари Ўзбекистон Республикасининг Санитария-эпидемиология осойишталиги ва ижтимоий соғлиқни сақлаш Хизмати ва ушбу ҳужжатни тайёрлашга ўз ҳиссасини киритган маълумот йиғишда ҳамда иш гуруҳларида ва учрашувларда фаол иштирок этган, бошқа ташкилотлар раҳбариятига ва ходимларига ўз миннатдорчилигини билдиради:

Икрамов Р.Н. Ўзбекистон Республикаси СЭХ эпидемиология ва юқумли касалликлар профилактикаси бошқармасининг бошлиғи;

Кудашева Л.В. Ўзбекистон Республикаси СЭХ эпидемиология бўлимининг бошлиғи, т.ф.н.;

Каршиева Н.З. Ўзбекистон Республикаси СЭХ ўта хавфли юқумли касалликлар бўлимининг бош мутахассиси;

Ражабов Г.Х. Ўзбекистон Республикаси СЭХ эпидемиология бўлимининг бошлиғи, т.ф.н.;


Раджапбаева Г.П. Ўзбекистон Республикаси СЭХ ўта хавфли юқумли касалликлар бўлимининг бош мутахассиси;

Валиева Н.Ф. Ўзбекистон Республикаси СЭХ ташкилий-назорат ва ахборот-таҳлилий бўлимининг бош мутахассиси .



ҚИСҚАРТМАЛАР ВА АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР РЎЙХАТИ

БССТ	Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти
БТСЁ	Бирламчи тиббий-санитария ёрдами
ГСК	Гриппсимон касалликлар
ДПМ	Даволаш-профилактика муассасалари
ДСЭНМ	Давлат Санитария-эпидемиология назорати маркази (09.2019 йил-гача)
ДТ	Дастурий таъминот
ДЭН	Дозор эпидемиологик назорат
ИФТ	Иммуноферментли таҳлил
МГ	Оилавий поликлиникалар ва марказий кўп йўналишли поликлиникаларда мобил гуруҳлар
COVID МССТБТ	«COVID-19га қарши маҳаллий соғлиқни сақлаш тизими барқарорлигини таъминлаш» Ўзбекистонда USAID лойиҳаси
МХҲ	Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар
МҲ	Меъёрий ҳужжатлар
МЎБО	Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари
ОЎРЮК	Оғир ўткир респиратор юқумли касалликлари
ПЗР	Полимеразали занжирли реакция
РИТБ	Реанимация ва интенсив терапия бўлими
РЭН	Рутинали (одатдаги) эпидемиологик назорат
СКП	Санитария-карантин пунктлари
ССТБ	Соғлиқни сақлаш технологияларини баҳолаш
СОТ	Стандарт операцион тартиблар
ССВ	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
СЭО	Санитария-эпидемиология осойишталиги
СЭС	Санитария-эпидемиология осойишталиги ва ижтимоий соғлиқни сақлаш хизмати (санитария-эпидемиология хизмати, 2020 йил июль ойидан)
ТМВ	Тиббий мақсадли асбоблар ва воситалар
ТЧ	Тиббий чиқиндилар
ТЧБ	Тиббий чиқиндиларни бошқариш
ШИЮК	Шифохона ичидаги юқумли касаллик



ШХВ	Шахсий ҳимоя воситалари
ЭН	Эпидемиологик назорат
ЮКН	Юқумли касалликлар назорати
ЮКЭМ АТ	Юқумли касалликларни эпидемиологик мониторинг қилиш ахборот тизими
ЮКП-ЮКН	Юқумли касалликлар профилактикаси ва юқумли касалликлар назорати
ЯЎРЮК	Янги ўткир респиратор юқумли касалликлари
ЎРЮК	Ўткир респиратор юқумли касалликлари
ЎСШ	Ўпкани сунъий шамоллаш
COVID-19	(CoronaVirus Disease 2019) SARS-CoV-2 коронавируси келтириб чиқарадиган, эҳтимолий оғир ўткир респиратор юқумли касаллиги (аввал-коронавирус юқумли касаллиги 2019-nCoV)
SARS-CoV-2	(Severe Acute Respiratory Syndrome CoronaVirus) – коронавирус, COVID-19 қўзғатувчиси
CDC	АҚШ нинг касалланишни назорат қилиш ва олдини олиш маркази
USAID	АҚШ нинг халқаро ҳамкорлик агентлиги
Агентлик	ССВ қошидаги Эпидемиологик осойишталик Агентлиги (2020 йил июль ойигача)
Инспекция	Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат санитария-эпидемиология назорати инспекцияси (2020 йил июль ойигача)
Маслаҳатчи	COVID МССТБТ лойиҳаси томондан ёлланган мутахассис
Эксперт	СЭХ ёки ДПМ мутахассиси..



1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Ўзбекистон нолинчи беморни расмий аниқлаш пайтидан (2020 йил 15 март¹) бошлаб COVID-19 пандемиясига фаол қарши курашиш сиёсатини танлади. Пандемияга қарши курашиш муаммоси идоралараро даражада, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ваколатидан ташқарига чиқади, чунки COVID-19 пандемияси ижтимоий соғлиққа, хавфсизликка, иқтисодиётга ва ижтимоий соҳага таъсир ўтказади. Барча давлатлар каби, Ўзбекистонда ҳам, COVID-19 тарқалишини секинлаштириш мақсадида ижтимоий соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот юзасидан қатъий чоралар кўрилган. Уларга давлат ичида ва чет эл сафарларини чеклаш; оммавий тадбирларни ўтказишни тақиқлаш; умумий овқатланиш ташкилотларини ёпиш; мактабларда ва бошқа таълим муассасаларида масофадан ўқитиш шаклига ўтиш, ниқоб тақиб юриш ва бошқа чоралар киради.

2021-2023 йилларда Ўзбекистон Республикасида COVID-19нинг эпидемиологик назорати, бошқариш ва профилактикаси стратегияси (кейинги ўринларда – Стратегия) концепцияси, МССТБТ лойиҳаси доирасида ишлаб чиқилган тавсиявий ҳужжат бўлиб, Стратегиянинг бюджети ишлаб чиқилганидан ва Санитария-эпидемиология осойишталиги ва ижтимоий соғлиқни сақлаш хизмати томонидан тасдиқланганидан кейин, COVID-19 пандемиясига қарши курашиш соҳасида давлат соҳасини белгилаб берувчи ҳужжат бўлиши мумкин.


Стратегия Ўзбекистон Республикаси ва унинг субъектлари давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ҳамда пандемияга қарши курашишда иштирок этувчи бошқа ташкилотлар фаолиятини ва ўзаро муносабатлари ва ҳаракатларини ташкил этиш учун асос бўлади. **COVID-19 пандемиясига қарши курашишни ташкил этишдаги асосий муаммолар ва заиф жойлар** Стратегия концепцияси маслаҳатчиларнинг ҳисоботида тақдим этилган ҳозирги вазият таҳлили асосида ишлаб чиқилган.

Стратегияни **амалга ошириш бўйича мувофиқлаштирувчи функциялар** Ўзбекистон Республикасига коронавирус олиб кирилиши ва тарқалишининг олдини олиш чоралари Дастурини тайёрлаш бўйича **Махсус республика комиссиясига**² юклатилади. Комиссияга Ўзбекистон Республикаси Бош вазири раҳбарлик қилади.

Мониторинг ва назорат функциялари COVID-19нинг кенг кўламли тарқалишининг олдини олиш Штабига берилади – Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария шифокори раҳбарлик қиладиган идоралараро органга юклатилади.

1 Ўзбекистонда биринчи коронавирус юқиши ҳолати аниқланган. 20.01.2021 й. ҳолатига кўра: <https://www.interfax.ru/world/699172>

2 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 январдаги № Р-5537-сонли «Ўзбекистон Республикасида янги турдаги коронавируснинг олиб кирилиши ва тарқалишининг олдини олиш бўйича чоралар дастурини тайёрлаш бўйича Махсус республика комиссиясининг ташкил этилиши тўғрисида» Фармойиши



Ижроия органлари қуйидагилар: ССВ ҳузуридаги Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиология осойишталиги ва ижтимоий соғлиқни сақлаш хизмати (СЭХ); ҳамда бошқа вазирликлар ва идоралар ҳузуридаги СЭХ.


1.1. ЯНГИ РЕСПИРАТОР ПАТОГЕНЛАРИ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА ТАРҚАЛИШНИНГ БОСҚИЧЛАРИ

COVID-19ни ўз ичига олган, пандемик салоҳиятига эга бўлган янги патогенлар учун, тўртта эпидемиологик ривожланиш сценарийси (БССТ таснифига кўра) мавжуд: **1-босқич** – рўйхатдан ўтказилган ҳолатлар йўқлиги (нолли ўтишни ҳам, аниқланган ва рўйхатдан ўтказилган ҳолатлар йўқлигини ҳам ўз ичига олади), **2-босқич** – якка ҳолатлар, **3-босқич** – ҳолатлар кластерлари (бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган бир неча касаллик ҳолатлари) ва **4-босқич** – оммавий тарқалиш (ОТ). Юқумли касалликнинг оммавий тарқалиши сценарийлари (4-босқич) тўртта даражага ажратилган: юқумли касаллик ўтишининг паст даражасидан (ОТ1) юқумли касаллик ўтишининг ўта юқори даражасигача (ОТ4).

Ўзбекистон БССТ аъзоси бўлган давлат сифатида белгиланган тартибда эпид.вазирликни баҳолашни тақдим этади.

Амалга ошириш қадамлари:

- ◆ Аниқланадиган юқумли касалликлар ўтиши сценарийларига мувофиқ тезкор жавоб бериш режаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш (ўзаро мувофиқлаштирилган ва уйғунлаштирилган миллий даражадаги, идоравий ва минтақавий режалар).
- ◆ Миллий эпидемиологик назорат тизимининг юқумли касалликлар ўтиши сценарийларини тезкор баҳолашда салоҳиятини ошириш бўйича чораларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.
- ◆ Турли юқумли касалликлар ўтиши сценарийларида эпидемиянинг ижтимоий ва иқтисодий таъсирини юмшатиш бўйича олий даражадаги асосланган сиёсий қарорларни қабул қилиш.
- ◆ Аҳоли ўртасида юқумли касалликлар тарқалиши профилактикаси бўйича медиа-компанияларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.



2. МИЛЛИЙ ЭПИДЕМИОЛОГИК НАЗОРАТ ТИЗИМИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ ВА МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ БАЗАСИ

Ўзбекистон Республикасида COVID-19нинг олдини олиш чоралари «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида» ва «Аҳолини ва ҳудудни табиий ва техноген хусусиятли фавқулдда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида» Қонунлар доирасида амалга оширилади.

COVID-19га қарши курашиш идоралараро муаммо эканлигини ҳисобга олиб, бир қатор меъёрий ҳужжатлар давлат раҳбарияти даражасида қабул қилинади (Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Қарорларига мувофиқ республика Ҳукуматининг Қарорлари ва Фармойишлари).


COVID-19 коронавирус юқумли касаллигининг эпидемиологик назоратни ташкил этишда асосий стратегик йўналишлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 июлдаги ПФ-6035-сонли Фармонида шакллантирилган.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида коронавирус юқумли касаллигига қарши курашиш ва республика аҳолисининг эпидемиологик осойишталигини ва соғлигини сақлашни таъминлаш чораларини мувофиқлаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.01.2020 йилдаги № Ф-5537-сонли Фармойиши билан Ўзбекистон Республикасига коронавирус олиб кирилиши ва тарқалишининг олдини олиш чоралари Дастурини тайёрлаш бўйича Махсус республика комиссияси ташкил этилган. Бу комиссияга Бош вазир раҳбарлик қилади.


Махсус комиссия мажлисларида кўриб чиқиш учун киритиладиган таклифлар Ўзбекистон Республикасининг Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Санитария-эпидемиология осойишталиги ва ижтимоий соғлиқни сақлаш хизмати (СЭХ) етакчи му-тахассислари томонидан тайёрланади.

Амалга ошириш қадамлари:

- ◆ COVID-19 ва бошқа пандемик тарқалиш хусусияти бўлган ЯЎРҮОК ларнинг эпидемиологик назорати тизимини кучайтиришга имкон берадиган МХҲларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.
- ◆ COVID-19 пандемиясига қарши курашишда идоралараро ўзаро ҳаракат ва муносабатларни режалаштириш ва мувофиқлаштириш бўйича МХҲларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.



- ◆ ССВ ва пандемияга қарши курашишга жалб қилинган бошқа вазирликлар, идоралар, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлар ўртасида ўзаро мулоқот, коммуникация ва ахборот алмашиш алгоритмларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.
- ◆ СЭХ таркибида эпидемиялар шароитида эпид.вазиятни таҳлил қилиш, прогнозлаш, эпидемиология осойишталигини режалаштириш ва дастурлаштириш, ҳамда эпидназорат чора-тадбирларни мониторинг ва назорат қилиш учун масъул бўлган бўлимни ташкил этиш.




3. МАСЪУЛ ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗARO МУНОСАБАТ ТИЗИМИ

«Ўзбекистон Республикасига коронавирус олиб кирилиши ва тарқалишининг олдини олиш чоралари Дастурини тайёрлаш бўйича Махсус республика комиссияси» катта ваколатларга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиология осойишталиги ва ижтимоий соғлиқни сақлаш хизматининг марказий аппарати ва унинг таркибий ҳудудий бўлимлари – кундалик асосда COVID-19нинг эпидемиологик назоратини амалга оширадиган энг асосий муассасалар ҳисобланади.

Амалга ошириш қадамлари:

- ◆ пандемияга қарши курашишга жалб қилинган барча тузилмалар ва ташкилотларнинг ваколатларини, уларнинг ўзаро муносабатлари тизими, ҳамда функциялари, мажбуриятлари ва оператив жараёнлари, маълумотни алмашиш ва тақдим этиш жараёнларини тегишли МХҲларда ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.




4. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА COVID-19нинг ЭПИДЕМИОЛОГИК НАЗОРАТИ ТИЗИМИНИ МУСТАҲКАМЛАШ

COVID-19нинг эпидемиологик назоратини узлуксиз амалга ошириш эпидемиологик мойилликларни, шу жумладан турли ёш гуруҳлари ўртасида касалланиш ва ўлим даражаси динамикасини билиш ва тушуниш учун, касалликнинг оғир кечиши ва ўлим билан якун бўлиши мумкин бўлган юқори хавфига мойил гуруҳларни аниқлаш учун, ҳамда узоқ муддатли истиқболда эҳтимолий эпидемиологик ўзгаришларни таҳлил қилиш учун муҳим бўлади.

4.1. COVID-19нинг ЭПИДЕМИОЛОГИК НАЗОРАТИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ:

- ◆ гумонли ҳолатларни тезкор аниқлаш, алохидалаш, тестларини ўтказиш ва даволаш;
- ◆ касаллик ўчоқларини аниқлаш, ҳамда аҳоли ўртасида, шу жумладан хавф-хатар гуруҳлар ичида касаллик тарқалишига қарши курашиш;
- ◆ касаллик юқтирган шахс билан мулоқотда бўлган шахсларни аниқлаш, ва уларнинг кейинги кузатувини таъминлаш;
- ◆ аниқ мақсадли назорат чораларини жорий қилиш, бунда иқтисодий фаолликнинг ва ижтимоий ҳаётнинг хавфсиз тикланишини таъминлаш;
- ◆ пандемиянинг Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимига таъсирини баҳолаш;
- ◆ узоқ муддатли эпидемиологик мойилликларни ва COVID-19ни қўзғатувчи вируснинг эволюциясини мониторинг қилиш;
- ◆ COVID-19, грипп ва бошқа респиратор юқумли касалликларни қўзғатувчи вируслар циркуляциясини ўрганиш.



4.2. COVID-19нинг ЯНГИ ҲОЛАТЛАРИНИ АНИҚЛАШ ВА РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБЛАРИ

COVID-19 тарқалишини тўхтатишга эришишнинг асосий вазифалари қуйидагилар: гумонли ҳолатларни тезкор аниқлаш, алохидалаш, тестларини ўтказиш ва даволаш, касаллик ўчоқларини аниқлаш, ҳамда аҳоли ўртасида касаллик тарқалишига қарши курашиш.


Янги ҳолатларни аниқлаш жойлари СКП (аэропортлар, темир йўл ва авто-вокзаллар), ДПМ (поликлиникалар, ковид стационарлари, ва бошқа даволаш муассасалари – мулк шаклидан ва идоравий мансублигидан қатъи назар) ҳисобланади. Касалликни аниқлаш жойларида ПЗР диагностикаси учун клиникавий материални йиғиш ташкил этилади, бунда клиникавий материални йиғиш таомилларига ва тегишли лабораторияга ташишда совутиш занжири қоидаларига риоя қилиниши лозим. Аҳоли ўртасида диагностика имкониятларини кенгайтириш учун экспресс-тестларни жорий қилиш.

Амалга ошириш қадамлари:

- ◆ ССВ томонидан янги COVID-19 ҳолатларини аниқлаш ва рўйхатдан ўтказиш бўйича стандарт операцион тартибларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш (шу жумладан касаллик ўчоғида касалликни аниқлашда).
- ◆ ССВ ва идоравий тиббий хизматларнинг барча таркибий бўлимларининг ходимларини мунтазам асосда ўқитиш.
- ◆ ССВ томонидан ахборот йиғиш ва COVID-19дан ўлим ҳолатларини мониторинг қилиш, ҳамда умумий ўлим ҳолатларининг ортиқчасини ҳисоблаш, масъул ижрочиларни белгилаш бўйича стандарт операцион тартибларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. Идоравий СЭХлар камида ҳафтада бир марта жинсига ва ёшига кўра жамланган ахборотни тақдим этишни таъминлаш.

4.3. ХАВФСИЗ ВА САМАРАЛИ БЕМОРЛАР ОҚИМИНИ ТАЪМИНЛАШ

БТСЁ ва стационарларга бир вақтнинг ўзида COVID-19ни юқтирган ва юқтирмаган шахслар мурожаат қилишининг хавфи юқори бўлгани учун, ДПМларда, айниқса бирламчи бўғим тиббий муассасаларида: бирламчи тиббий-санитария ёрдам кўрсатиш марказларида, клиникаларда ва шифохоналарнинг шошилинич ёрдам кўрсатиш бўлимларида кафолатланган хавфсиз даражадаги хизмат кўрсатиш чораларини ишлаб чиқиш лозим.



Барча беморлар учун, ҳар қандай пайтда, ижтимоий масофага риоя қилиш, қўл гигиенаси, тиббий ниқобларни тақиб юриш, ҳамда атроф муҳит юзаларини дезинфекциялаш бўйича, стандарт эҳтиёт чораларига риоя қилишни кучайтириш лозим.

Шифохона ичида юқиш ва COVID-19 беморларининг қайтадан касаллик юқтириши ҳолатлари пайдо бўлишининг олдини олиш мақсадида хавфсиз ва самарали беморлар оқимини таъминлаш учун, асосий компонентларнинг барча талаблари, яъни: скрининг, беморларни саралаш, беморларни аниқ тақсимлаб юбориш ва шу кабилар амалга оширилиши лозим.

Амалга ошириш қадамлари:


- ◆ ССВ томонидан эҳтимолий ва тасдиқланган COVID-19 ташхиси бўлган беморларни скрининг қилиш, саралаш, аниқ тақсимлаб юбориш бўйича стандарт операцион тартибларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, улар барча тиббиёт ташкилотлари томонидан идоравий мансублигидан ва мулк шаклидан қатъи назар амалга оширилиши мажбурий ҳисобланади.
- ◆ ССВ томонидан мобил гуруҳлар ишини ташкил этиш бўйича стандарт операцион тартибларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

4.4. ЭПИДЕМИОЛОГИК НАЗОРАТНИ КУЧАЙТИРИШ УЧУН ЛАБОРАТОРИЯ ДИАГНОСТИКАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Ўзбекистон Республикасига коронавирус юқумли касаллиги олиб кирилиши ва тарқалишининг олдини олиш чоралари Дастурини тайёрлаш бўйича Махсус республика комиссиясининг қарорларига мувофиқ, давлатда SARS-CoV-2 диагностикаси учун акс транскрипцияли полимеразали занжир реакцияси усули (ОТ-ПЗР) қўлланади.

Лаборатория натижаларининг аниқлиги, жавоб бериш чораларини асослашнинг асосий омили ҳисобланади, шунинг учун бу ҳолатда, тест ўтказиш имкониятлари тест ўтказиш эҳтиёжларининг ҳажмини қопламаслиги хавфини ҳам ҳисобга олиш лозим.

Юқумли касаллик ўтишининг интенсивлиги даражасига, касаллик ҳолатлари сонига, ҳамда лаборатория тест ўтказиш соҳасидаги имкониятларга ва қўшимча куч ва воситаларни тез жорий қилиш имкониятларига боғлиқ ҳолда, эпидемиологк вазиятга мувофиқ ҳолда тестларни ўтказиш юзасидан устуворликни белгилаш зарурияти юзага келиши мумкин.




Амалга ошириш қадамлари:

- ◆ COVID-19 бўйича тестларни ўтказиш сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни аниқланадиган юқумли касаллик ўтиши сценарийларига мувофиқ тезкор жавоб бериш режаларига (миллий даражадаги, идоровий ва минтақавий режалар) киритиш.
- ◆ ССВ томонидан вирус юқумли касалликларининг лаборатория диагностикаси бўйича СОТларни, шу жумладан COVID-19 учун қўлланадиган стандарт операцион тартибларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, улар барча лабораториялар томонидан идоровий мансублигидан ва мулк шаклидан қатъи назар амалга оширилиши мажбурий ҳисобланади.
- ◆ популяцион иммунитетни баҳолаш учун аҳоли ўртасида сероэпидемиологик тадқиқотни ўтказиш.
- ◆ лабораториялар ходимлари учун биологик хавфсизлик бўйича стандарт операцион тартибларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, улар барча лабораториялар томонидан идоровий мансублигидан ва мулк шаклидан қатъи назар амалга оширилиши мажбурий ҳисобланади.
- ◆ узоқ муддатли эпидемиологик мойилликларни ва COVID-19ни қўзғатувчи вируснинг эволюциясини мониторинг қилиш учун секвенирлаш усуллари-ни жорий қилиш учун лаборатория жиҳоз-ускуналарини харид қилиш.
- ◆ вирусларнинг биргаликдаги циркуляциясини тадқиқ этиш учун, барча аҳамиятли респиратор вирусларнинг (SARS-CoV-2, MERS-CoV, SARS-CoV, мавсумий коронавируслар ва бошқа ЎПЮК) ПЗР-тахлилий панелларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш, чунки улар ҳаққоний эпидемиологик манзарани яратиш имконини беради.

4.5. МУЛОҚОТДА БЎЛГАН ШАХСЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ

Мулоқотда бўлган шахсларни аниқлаш, рўйхатдан ўтказиш ва кундалик мониторинг қилиш ҳар қандай юқумли касалликларда уларнинг юқиш механизмларини тўхтатиш бўйича асосий чоралар деб ҳисобланади. Мулоқотда бўлган шахсларни кузатиш COVID-19 ҳолатида ҳам самарали таъсир этади. Мулоқотда бўлган шахсларни кузатиш касаллик манбаи билан мулоқотда бўлган шахсларни аниқланган пайтидан бошлаб 14 кун давомида ҳар куни амалга оширилади, бу эса юқиш ва/ёки касалланишнинг юқори хавфига мойил бўлган шахсларни ўз вақтида аниқлаш, ва улар бошқа шахслар учун юқиш манбаига айланишидан аввал, уларни алоҳида-лаш имконини беради.



Амалга ошириш қадамлари:

- ◆ ССВ томонидан COVID-19 беморлари билан мулоқотда бўлган шахсларни аниқлаш, рўйхатдан ўтказиш ва кундалик мониторинг қилиш бўйича стандарт операция шаклларни ва тартибларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, улар барча тиббиёт ташкилотлари томонидан идоровий мансублигидан ва мулк шаклидан қатъи назар амалга оширилиши мажбурий ҳисобланади.
- ◆ COVID-19 ҳолатларини ва контакт шахсларни аниқлаш ва рўйхатдан ўтказиш бўйича эпидемиологларни ўқитиш ҳамда санитария-эпидемиология хизматининг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш.


4.6. МАЪЛУМОТЛАРНИ ЙИҒИШ ВА ЭПИДЕМИОЛОГИК ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ТАРТИБЛАРИНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ

Юқумли касалликлар бўйича эпидемиологик назоратнинг асосий жиҳати маълумотларни йиғиш ва эпидемиологик таҳлил қилиш тартибларини ташкиллаштириш ҳисобланади, бу вазифалар Санитария-эпидемиология осойишталиги ва ижтимоий соғлиқни сақлаш хизматининг ваколатлари соҳасига киради. COVID-19 бўйича маълумотларни йиғиш мавжуд юқумли касалликлар бўйича ҳисоб ва ҳисобот тизимининг доирасида амалга оширилади.

Йиғиладиган маълумот тўлиқ бўлиши учун барча COVID-19 ҳолатлари кундалик асосда рўйхатдан ўтказилиши лозим. Шунингдек, бошқа жойдан келган шахслар ва уларнинг мулоқотда бўлган шахслар ўртасида аниқланган барча ҳолатлар рўйхатдан ўтказилиши керак.

Амалга ошириш қадамлари:

- ◆ маълумотни йиғиш ва таҳлиллар натижаларини тарқатиш оқимларини таъминлаган ҳолда, уларнинг бажарилиши муддати кўрсатилган тасдиқланган чора-тадбирлар режаси билан биргаликда, маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш жараёнларини рақамлаштириш тўғрисида меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш.
- ◆ юқумли касалликлар, шу жумладан COVID-19 бўйича мунтазам утказиладиган ва дозор эпидемиологик назорат тизимининг мавжуд электрон кузатиш ахборот тизимларини кучайтириш ва модернизациялаш.
- ◆ рақамлаштирилиши мумкин бўлган, ва ЎРЮК бўйича эпидемиологик назоратни амалга ошириш учун янги дастурий таъминотнинг асоси бўла оладиган стандарт ҳисоб юритиш, рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобот шаклларини ишлаб чиқиш.
- ◆ эпидемиологик таҳлил, шу жумладан эпидемиологик ташҳисот, башоратлаш, бирламчи таҳлил қилиш, шунингдек хизмат доирасида, соғлиқни



сақлаш тизимида ва бошқа вазирлик ва идоралар билан алоқаларни ташкил этиш соҳасида СЕХ салоҳиятини мустаҳкамлаш (тегишли бўлимни ташкил этиш, уларни асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ва кадрларни тайёрлаш).

4.7. ТИББИЙ ХОДИМЛАР ИЧИДА COVID-19 БИЛАН КАСАЛЛАНИШНИ ОЛДИНИ ОЛИШ, СТАЦИОНАРЛАРДА ЮКН ВА ТЧБ


Тиббий ходимлар ичида COVID-19 билан касалланиш бўйича эпидемиологик назоратни ташкил этиш барча ижтимоий соғлиқни сақлаш тизимлари учун долзарб муаммо бўлиб, у давлатларнинг иқтисодий ривожланиши даражасига боғлиқ бўлмайди.

Тиббий ходимлар ва даволаш муассасаларининг бошқа ходимлари, SARS-CoV-2 қўзғатувчиси билан унинг энг юқори концентрляцияга эга дозасида кўп муолқотда бўлиши туфайли, юқори юқиш хавфи бўлган гуруҳга киради.

Тиббий ходимлар ўртасида, SARS-CoV-2 вируси келтириб чиқадиган юқумли касалликнинг олдини олиш, гигиена ва меҳнат хавфсизлиги чораларини, юқумли касалликлар профилактикаси ва юқумли касалликлар назоратини, тиббий чиқиндиларни бошқаришни ўз ичига олган, кўп йўналишли, мажмуий ёндашув қўлланишини талаб қилади.

Амалга ошириш қадамлари:

- ◆ тиббий ходимларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва уларнинг иш жойида COVID-19 ни юқтиришининг олдини олиши бўйича баённомаларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш.
- ◆ БССТ ва СДС нинг янгиланган маълумотларига мувофиқ, ШХВ лар айниқса нафас олиш аъзоларининг шахсий ҳимоя қилиш воситаларининг техник спецификацияларини қайта кўриб чиқиш (респираторларни индивидуал танлаш пайтида, Фит-тестларни мажбурий жорий қилиш).
- ◆ ДПМларда COVID-19ни юқтириш хавфларининг олдини олиш бўйича йиғилган тажрибани ҳисобга олган ҳолда, ЮКН ва ТЧБ бўйича қўлланмани янгилаш.
- ◆ БССТ томонидан тавсия этилган COVID-19 тарқалиши хавфининг эҳтимолий омилларини баҳолашнинг учта баённомасидан биттасини қўллаган ҳолда, тиббий ходимлар ўртасида тадқиқотни ўтказиш.



4.8. СТАЦИОНАРЛАРНИНГ COVID-19 БИЛАН ИШЛАШГА ТАЙЁРЛИГИНИ БАҲОЛАШ

COVID-19 пандемиясига қарши курашиш чораларини қўллаш ва тайёрлигини таъминлаш, айти пайтда бошқа зарур бўлган тиббий ёрдам бериш тақдим этишни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ёрдам, соғлиқни сақлаш хизматларининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Соғлиқни сақлаш тизимининг ишида эҳтимолий узилишлар хавфини камайтириш бўйича асосий қарорлар ва чоралар, COVID-19 пандемиясининг барча босқичларида соғлиқни сақлаш хизматларини тақдим этишни ва улардан фойдаланишни доимий мониторинг қилиш орқали олинган аниқ ва тезкор маълумотлар билан асосланиши лозим.

Амалга ошириш қадамлари:

- ◆ даволаш тиббий муассасаларнинг COVID-19 касаллиги ҳолатларини даволашга тайёрлиги соҳасидаги салоҳиятини баҳолаш учун назорат варақаларини ишлаб чиқиш ва амалиётда жорий қилиш;
- ◆ COVID-19 пандемияси шароитида асосий соғлиқни сақлаш хизматлари тақдим этилишининг узлуксизлигини таъминлашни баҳолаш учун чек-листларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш;
- ◆ Касалланишнинг кутилган ва башорат қилинган юксалишидан аввал баҳолашни мунтазам амалга ошириш.


4.9. КАДРЛАР САЛОҲИЯТИНИ МУСТАҲКАМЛАШ

Кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш учун, Ўзбекистон Республикаси ССВ Тиббий ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш Марказида республика вазирликлари, ташкилотлари ва муассасаларида COVID-19 бўйича карантин чораларини киритиш ва бекор қилишни мувофиқлаштириш Маркази тузилган (ССВнинг 31.03.2020 йилдаги № 98-сонли буйруғи).

Тиббий ходимларнинг махсус билимлари даражасини ошириш мақсадида, уларни COVID-19 га қарши курашиш юзасидан ўқитишни сифат жиҳатидан янги даражага юксалтириш лозим.

Амалга ошириш қадамлари:

- ◆ ССВ томонидан тасдиқланган қўлланмалар, йўриқномалар, алгоритмлар, стандарт операция тартиблар ва COVID-19нинг эпидемиологик назорати соҳасида бошқа МХҲлар билан мувофиқлаштирилган ва уйғунлаштирилган масофадан ўқитиш учун ўқув дастурларини ва модулларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.




- ◆ ўқув режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, СЭХ ходимлари учун ўқитишни амалга ошириш.
- ◆ юқумли касалликларни башоратлаш бўйича ўқув модулини ишлаб чиқиш, ва эпидемиологларни ўқитишни амалга ошириш.
- ◆ ПМСП ва ДПМ ходимларини ўқитиш таркибига COVID-19 нинг эпидназоратини ва профилактикасини ташкил этиш, ҳамда ЮКН ва ТЧБ ни ташкил этиш бўйича масалаларни киритиш.

4.10. АҲОЛИ ЎРТАСИДА COVID-19нинг ОЛДИНИ ОЛИШ (ниқоб тақиб юриш, қўл гигиенаси, ижтимоий масофани сақлаш, эмлаш)

Аҳоли ўртасида COVID-19нинг олдини олишида респиратор этикет қоидаларига (ниқоб тақиш ва бошқалар), қўл гигиенаси, хоналарни шамоллатиш ва тозалаш, ижтимоий масофа сақлаш қоидаларига риоя қилиш орқали аҳолини ҳимоя қилиш ниҳоятда улкан ўрин тутди. Шу сабабли, аҳоли ўртасида юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш бўйича медиа-кампаниялар мунтазам асосда ўтказилиши лозим.

Амалга ошириш қадамлари:

- ◆ Хавф тўғрисида хабардор этиш вазиятини баҳолашни мунтазам асосда амалга ошириш, ва эпидемиологик вазиятга мувофиқ ҳолда аҳоли учун хавф-хатарлар тўғрисидаги медиа-кампаниялар режасини қайта кўриб чиқиш.
- ◆ COVID-19га қарши эмлаш режасини амалга ошириш (вакциналарни асосли танлаш, совутишли занжирни баҳолаш ва етмайдиган жиҳоз-ускуналарни харид қилиш, СОТларни тасдиқлаш ва янгилаш, юқишнинг юқори хавфи бўлган гуруҳларни аниқлаш ва уларни бепул вакцина билан эмлаш мезонлари, пуллик вакцина билан эмлаш учун нарх сиёсати мезонларини белгилаш; ходимларни ўқитишни амалга ошириш, вакциналарни ва сарф материалларини харид қилиш).




5. МОЛИЯЛАШТИРИШ

Стратегиянинг амалга оширилиши давлат ҳокимияти органлари, субъектларнинг давлат ҳокимияти органлари, ўз-ўзини бошқариш органлари, вазирликлар ва идоралар, илмий ва таълим ташкилотларининг ўзаро мувофиқлаштирилган ва келишилган ҳаракатлари билан таъминланади.

Стратегияни амалга ошириш республика бюджетининг маблағлари ҳисобига, ҳамда бошқа молиялаштириш манбалари ҳисобига, шу жумладан донорлик маблағларини жалб қилиш ҳисобига амалга оширилади.

Амалга ошириш қадамлари:

- ◆ умумдавлат бюджетда COVID-19га жавоб беришнинг барча тегишли ресурсларини жамлаш, ҳамда ривожланиш ҳамкорларидан биргаликда молиялаштиришни мувофиқлаштириш йўли билан, ҳам бюджетга оид, ҳам бюджетдан ташқари барча COVID-19га жавоб бериш ва қўллаб-қувватлаш чораларининг шаффофлигини таъминлаш.



6. СТРАТЕГИЯНИ АМАЛГА ОШИРИШНИ МОНИТОРИНГ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ

Эпидемиологик вазиятни оқилона ва тўлиқ қамровли талқин этиш учун, бир қатор асосий тушунчаларни ва уларнинг таърифларини, шу жумладан COVID-19 ҳолати учун таърифларни; янги ҳолатларни ва мулоқотдагиларни аниқлаш стратегияларини; вирус юқишининг ривожланиши босқичини ҳисобга олган ҳолда тест ўтказиш стратегиясини, ва бир қатор бошқа ҳужжатларни Хизмат даражасида кiritиш ва тасдиқлаш лозим.


COVID-19 эпидемиологик назоратининг сифати эпидемиологик назоратнинг ўз вақтида амалга оширилиши, маълумотларининг тўлиқлиги ва репрезентативлиги каби, унинг самарали ишлаши кўрсаткичларини мониторинг қилиш орқали кузатилади.

Ўзбекистон БССТ нинг аъзо давлати сифатида глобал эпидемиологик назорат тизимига жалб қилинган, ва у ҳар кунги касалланиш ҳолатлари ва ўлим якунлари сонини, ҳамда ҳар ҳафтада касаллик ҳолатлари ва ўлим ҳолатларининг умумлашган миқдорини билдиради.

Эпидемия назорат остида эканлигини тасдиқловчи асосий мезони, унинг самарали репродуктив сони (R_t) – бир юқумли касаллик ҳолатига иккиламчи ҳолатлар сони ҳисобланади. Агар камида 2 ҳафта давомида R_t сони 1дан кам бўлса, бу ҳолат эпидемия назорат қилинаётганлигини ва касалланиш камайиб бораётганлигини билдиради.

Амалга ошириш қадамлари:

- ◆ COVID-19 бўйича глобал эпидемиологик назорат учун узлуксиз эпидемиологик таҳлилни, ҳамда тақдим этиладиган маълумотларнинг тўлиқлигини ва сифатини таъминлаш, чунки бу хавфларни баҳолаш ва бошқариш учун миллий ва маҳаллий даражаларда жавоб бериш учун туб асосий – критик даражада муҳим бўлади.
- ◆ COVID-19 бўйича эпидемиологик вазиятнинг назорат қилинишини тасдиқлаш учун, Миллий индикаторлар рўйхатини тасдиқлаш ва улардан фойдаланиш.
- ◆ индикаторларнинг таърифларини, уларни ҳисоблаш формулаларини, ҳамда бошқарув қарорларини қабул қилиш учун натижаларни талқин этишни ўз ичига олган, таҳлилий ва башорат этувчи эпидемиология бўйича тегишли қўлланмаларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.
- ◆ эпидемиологларни эпидемиологик таҳлил усулларига ўқитишни мунтазам асосда амалга ошириш.



7. СТРАТЕГИЯНИНГ ВАЗИФАЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА ХАВФЛАРНИ ВА ТАҲДИДЛАРНИ ЕНГИБ ЎТИШ

Бутунжаҳон иқтисодий форумнинг (БИФ) экспертлари огоҳлантиришича, коронавирус пандемиясининг оқибатлари кейинги 3-5 йил давомида жаҳон иқтисодиётининг ривожланишини хавф остига қўйиши мумкин. Бундан ташқари, пандемия оқибатида ижтимоий тенгсизлик кучайиши, ва кейинги энг яқин 5-10 йил давомида геосиёсий барқарорлик заифлашиши мумкин. Таҳлил натижаларига кўра, жамиятнинг ижтимоий иммунитетини учун ижтимоий-маданий шикастлашув хавфлари сирасига ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий-психологик хусусиятга эга бўлган таҳдидлар ҳам киради.

Давлатнинг пандемияга жавоб бериш чораларининг эълон қилинган мақсадлари, аҳолининг саломатлигини муҳофаза қилиш, иқтисодиётнинг ўз вақтида тикланишини таъминлаш, уй-рўзғор хўжаликларининг фаровонлигини ҳимоя қилиш ва нормал ижтимоий ҳаётнинг тикланишини тезлаштиришдан иборат.

Амалга ошириш қадамлари:

- ◆ Соғлиқни сақлаш тизимининг COVID-19 юқумли касаллиги борлиги юзасидан тест ўтказиш, касалланганларга тиббий ёрдам кўрсатиш, ҳамда мулоқотда бўлган шахсларни кузатиш ва алохидалаш бўйича салоҳиятини кучайтириш учун, бу тизимга зудик билан инвестиция киритишнинг устуворлигини белгилаш. Бундай инвестициялар пандемия оқибатларини кўпроқ самарали тарзда бартараф этиш учун ҳам, ижтимоий соғлиқни сақлаш тизимининг бутунлигига жиддий зарар етишининг олдини олиш учун ҳам зарур бўлади.
- ◆ Электрон тизим яратиш ва соғлиқни сақлашдан фойдаланиш имконини яхшилаш учун рақамлаштиришга кўмаклашиш лозим.
- ◆ Минтақавий ривожланишда соғлиқни сақлаш жиҳатларини COVID-19га жавоб бериш чоралари билан узвий уйғунлаштириш, бунинг давомида «қизил зоналар хариталарини» тузиш керак бўлади, улар (1) юқори даражада ижтимоий-иқтисодий заифлиги бўлган маъмурий ҳудудларда номақбул эпидемиологик мойилликлар; (2) эпидемиологик мойилликларни фаол мониторинг қилиш, шу жумладан аноним клиник маълумотлар, ўлим якуни ҳолатларининг коэффициентлари, лаборатория ва эпидемиология хизматлари учун юқори хавфли гуруҳлар тўғрисида маълумотни



ўз ичига олган ахборотни таҳлил қилиш; (3) тиббий ходимларни узлуксиз ўқитишни режалаштириш, ва мобил гуруҳларни COVID-19 ҳолатларини ва кластерларини ўз вақтида текширишни ўтказиш учун зарур бўлган барча воситалар билан жиҳозлаш имконини беради.

- ◆ COVID-19га жавоб бериш чораларини бошқариш бўйича ҳам бюджетга оид, ҳам бюджетдан ташқари, хавфларни камайтириш ва қўллаб-қувватлаш чораларини ишлаб чиқиш учун топ-менеджмент гуруҳини ёки бўлимини ташкил этиш.
- ◆ COVID-19 бўйича тегишли тест ўтказиш услубиётларини, зарурий материалларни, ўқитиш дастурларини ва даволаш баённомаларини жорий қилиш учун, Республиканинг пандемияга қарши курашишнинг тегишли халқаро дастурларига интеграцияси.
- ◆ Халқаро ташкилотлар ва икки томонлама донорлар билан барқарор ўзаро муносабатларни ва ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш.